

Б.Умаров

**Фарб ва Шарқ
ијтимоий тафаккурида
эркинлик ғояси такомили**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛARНИ

РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ

Ҳуздотма 8 наимонкот нокса тақтида ўзинчлиғи багишланган дағдил
негиздиганда иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация
номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси
— телефонум интинағтиликкоюнг мисбийлопланет як ишлаб чирадига.

М.103 дистанция А.Т. — кандайди индивидуал

ISBN 978-9937-00-205-4 0-275-41

(9) 932
(9) 932

Ҳуздотма 8 наимонкот нокса тақтида ўзинчлиғи багишланган дағдил

негиздиганда иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация

номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси

Баҳодир УМАРОВ
ФАРБИЖТИМОЙ ТАФАККУРИДА
ЭРКИНЛИК ГОЯСИ ТАКОМИЛИ

(Биринчий китоб)

Этимологияни тақдизида иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация
номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси
— телефонум интинағтиликкоюнг мисбийлопланет як ишлаб чирадига.
Китобда иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация
номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси
— телефонум интинағтиликкоюнг мисбийлопланет як ишлаб чирадига.
Китобда иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация
номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси
— телефонум интинағтиликкоюнг мисбийлопланет як ишлаб чирадига.
Китобда иштимоёвбі Централитикой Нидомаҳаммадиев ассоциация
номиёндем прафесия Фәтима муродова индивидуал тариси ва таъсиси
— телефонум интинағтиликкоюнг мисбийлопланет як ишлаб чирадига.

27К3



Akademiya

ЎЗБЕКИСТОН МАДДАЛАРИ

Тошкент — 2011

У-ЧЧ

УДК: (4/9)8У Узбекистонин мактабкорлари институтин
ББК 87.3(0) Узбекистонин тафаккурида ан тарзиди
У47

ХУЗУРИДАГИ ФАТХУВАН МОЛДАНИСИМЧА МУВОФИҚИЙИК
ХУЗУРИДАГИ ФАТХУВАН МУДДАНИСИМЧА

Умаров, Баходир Узбекистонин институтинин мактабкори

Фарб ижтимоий тафаккурида эркинлик гояси такомили: 2 китобли/
Б.Умаров; масъул муҳаррир Н.Комилов; ЎзР Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириши мувофиқ-
лаштириш қўмитаси. —Т.: Akademiya, 2011.

К.И/ — 272-6.

ISBN- 978-9943-300-76-7


УДК: (4/9)
ББК 87.3(0)

МОНАЛИХ сурʼориди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва тех-
нологияларни мувофиқлаштириши ривожлантириш Қўмитасининг БФ-Ф8-
042 — “Шарқ ва Фарб ижтимоий тафаккурида эркинлик гояси такомили:
муштарақлик ва ўзига хослик” грант лойиҳаси доирасида тайёрланган мазкур
монографиянинг дастлабки китобида инсоният тараққиётининг турли босқич-
ларида эркинлик гояси, инсон ёрки ва ҳақ-хукуқлари, адолатли давлат ва
маърифатли жамият барпо этиш борасида илгари сурилган қарашлар
тӯғрисида сўз юритилади. Шунингдек, унда либерализм таълимотининг
вужудга келиши, унинг асосий гоя ва тамоилиларини амалийёта татбиқ этиш
гарбона ва шарқона ёндашувларининг (АҚШ, Япония, Хитой ва бошқа
мамлакатлар мисолида) мазмун-моҳияти, ўзига хос ҳусусиятлари таҳлил
этилади. Бундан ташқари, китобнинг иловасида гарб мутафаккирлари асар-
ларидан мазкур муаммо талқинига бағищланган парчалар келтирилган.

Монография академия тингловчилари, олим-мутахассислар, докторант
ва аспирантлар ҳамда фалсафа, сиёсатчунослик йўналишларида таҳсил
олаёттган талабалар учун мўлжалланган.

835626



43

ISBN- 978-9943-300-76-7

оқибати
Узбекистонин институтинин мактабкори

© «Akademiya», 2011.
© Б.Умаров, 2011.

жарнада көмүрткүйлүгдүүлүп, аның макулдуктун түшсүзлүктөн салынады. Бирок башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын көмүрткүйлүгдүүлүп, аның макулдуктун түшсүзлүктөн салынады. Бирок башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

МУҚАДДИМА Мұндағы көмүрткүйлүгдүүлүп, аның макулдуктун түшсүзлүктөн салынады. Бирок башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

Инсон чекланиши ёки ман этилиниң мүмкін бўлмаган яшаш, эркинлик мисоли Мұндағы көмүрткүйлүгдүүлүп, аның макулдуктун түшсүзлүктөн салынады. Бирок башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

Жон Локк, “Давлатни бошқариш хакидаги иккинчи трактат”. Мұндағы көмүрткүйлүгдүүлүп, аның макулдуктун түшсүзлүктөн салынады. Бирок башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

башка макулдуктардын туура болуп саналып, олардын

Жон Актоннинг таъкидлашыча, “Эркинлик гояси азалдан дин сингари эзгу ишларга ундовчи энг кучли омил, бўлиб келган. Барча замонларда эркинлик гоясининг табиий душманлари — жаҳолат

ва ақидапарастлик, босқынчилк ва айш-ишрат майли, хокимиятипарастлик ва қашшоқлик унинг тараққиетига түскىнлик қилиб келган. Халқлар варварлар ва босқынчилар зугумидан халос бўлишта интилган даврларда у тақиқланган, яшаш учун тинимсиз кураш кетаётган кезларда кишилар накадар бебаҳо неъматни шунчаки емакка сотиг юбораётганини англаб етмаган”¹.

Дархакиқат, бу гоят мураккаб, кенг қамровли түшүнчә инсоният тараққиетининг барча даврларида жамият давлатлар, жамиятлар ва кишилар учун фундаментал ахамият касо этиб келган. Шубойс,

¹ Актон Ж. История свободы в античности//Полис, 1993, N 3. С. 108.

бизнингча, у ижтимоий борлик туб моҳиятини ифода этувчи категория ҳамда башарият тадрижий тараққиёти жараёни билан узвий боғлиқ тушунча сифатида талқин этилиши зарур.

Хўш, эркинлик гояси ҳақидаги дастлабки тасаввурлар қачон ва қаерда пайдо бўлган? Ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти жараёнида вужудга келган таълимот ва концепцияларда буоя қандай талқин этилган? Уларнинг бугунги кундаги аҳамияти нимада?

Буюк немис файласуфи Гегель, эркинлик ҳақидаги илк тасаввурлар дастлаб Шарқда шакллангани ва у золимлик кўринишида намоён бўлганини (унинг назарида, ҳар қандай ёвузлик ва эзгу ишларни қилишга қодир бўлган хукмдорлар, подшоҳлар, ҳонлар — чинакам ва чексиз эркинликка эга бўлган кишилардир. Файласуф фикрича, барчанинг хукуқсизлиги, тобелиги ва таҳқирланган ҳолати — ижтимоий пиллапоя чўқғисида турган золим мутлақ эркинлигининг асосий шартидир. Бу уринда эркинлик салбий маъно касб этиши яққол намоён бўлади. Чунки, бунда бошқаларнинг хукуқсизлиги ва химоясизлиги туфайли биргина киши мутлақ эркинликка эга бўлади) таъкидлаган бўлсада, эркинлик ҳақидаги илк фалсафии қарашлар, инсон хукуқ ва эркинликларни химоя қўлувчи сиёсий институтлар (Спартада Афина демократияси, Солон ва Перикл ислоҳотлари, Рим хукуки) тизими айнан Фарбода, аникроги, қадимий Юнонистон заминида вужудга келган. Бирор бу ҳол Гегель қарашлари тарихий ҳақиқатта зид эканини англатмайди. Умуман юон демократияси ҳақида сўз боргандা, унинг кулдорлик жамияти негизида вужудга келгани, ахолининг муайян қисми (куллар, аёллар) фуқаролик хукуқларидан маҳрум этилгани, ҳокимиятнинг аристократия ва тирания шакллари демократик тизим барпо этиш борасидаги дастлабки қадам бўлгани, қисқаси, боят мураккаб ва зиддиятли тараққиёт иулини босиб утгани ўтиборга олиниши зарур.

Колаверса, илмий адабиетда антик давр демократиясига нисбатан турлича, баъзан бир-бираига тамоман зид бўлган ёндашувлар

ҳам илгари сурилган Масалан, романтик ёндашув вакиллари антик давр демократия тартиботини буюқ доңишман длар ва қонун исло хотчилари фаолияти, юнонлар дахсали маҳсули сифатида талқин этади ҳамда уни Гарб маданиятининг бешити, деб ҳисоблайди. Бундай ёндашув, айниқса, немис романтизмининг ёрқин вакиллари Гёте, Шиллер, Винкельман, Гельдерлин қарашларида яққол намоён бўлади. Масалан, Гельдерлин кишилик тарихини бир неча босқичларга бўлиб, тараққиётнинг ёрқин изходий палласи — юнонларнинг олтин даврини «кун», илк насронийлик даврини «оқшом», европа тамаддузининг кейинги ривожини эса «зулматли тун» дея тасвирлайди.

Илмий адабиётда етакчи ўрин тутган ижтимоий-иктисодий ёндашув тарафдорлари эса демократик ҳокимиятни ўрнатиш борасидаги интилишларни юонон жамияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, чунончи, колонизациялашув жараёни, денгиз савдосининг жадал ривожланиши ҳамда юонон фуқаролари моддий фаровонлигининг ошиши билан боғлайди. Лекин, шуниси аниқки, порох, қозог ва бошқа фойдали нарсаларни айнан хитойлилар кашиф этани қанчалик ҳақиқатта мос бўлса, юнонларнинг ҳалқ ҳокимиятини барпо этиш, эркинлик гоясини илгари суриш, химоя қилиш ва ривожлантириш борасидаги хизматларини ҳам тан олмаслик мумкин эмас.

Бизнингча, юонон демократиясига қандай муносабат билдирилишидан катъи назар, давлатчиликнинг бу шаклига хос барча камчилликларни инкор этмаган ҳолда², у жаҳон тараққиёти та-

² Масалан, В.М.Сергеев «Демократия как переговорный процесс»(М, 1999) асарида мазкур масала хусусида тўхталиб, юонон демократияси куйидаги афсонавий тасаввурларга таянишини таъкидлайди: 1) эркинлик ўз-ўзидан инсон хўкукларини кафолатлаши боис қандайдир институционал қонуний кафолатлар ишлаб чиқушга зарурат йўқ, ҳалқ истибод ва жабр-зулмдан озод этилса, бас; 2) бошқарув қарорларини белгилаб берадиган ҳалқ «иродаси»нинг мавжудлиги. У оддий овоз бериш йўли билан аниқланади ва ҳалқ сувренитетининг асосини ташкил этадиган қонун кучига эга бўлади. Фалсафа тарихида бундай тасаввурларни ёқлаб чиқсан, уларни

рихидағи ёрқин саҳифа сиғатида баҳоланиши, таждил ва тадқик, этилиши зарур. Зеро, унинг тажрибаси ва сабоқлари бугунги кунда ҳам эркинлик гояси такомили, одамзотнинг эркин жамият сари интилишлари, бир сўз билан айтганда, инсоният тараққиётiga хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Зеро, Перикл француз маърифатпарварлари орқали чинакам эркин жамият асосларини яратиб кептан бўлса, Суқрот, Афлотун, Арасту таълимоти ва илк насронийлик орқали юксак маънавият ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига замин ҳозирлади.

Қолаверса, юнон мутафаккирлари, айниқса, Суқрот ва Афлотуннинг жамият ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузуми ривожини маънавий тараққиёт билан уйғулаштириш зарурати, давлатнинг куч-кудрати ва мустаҳкамлиги, аввало, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий такомили даражаси билан белгиланиши ҳақидаги гоялари бугунги кунда ҳам долзарбилигини йўқоттани йўқ. Арасту эса либерализм таълимотининг асосчилари — Ж.Локк, Т.Гоббс,

кескин таңқид қылган мутафаккирлар ҳам бўлган. Дейлик, антик даврдаёқ бу қарашларни таңқид қылган буюк фәйласуф Афлотун унинг мазмун-моҳиятини аччиқ, киноя ва истехҳо билан шундай тасвирлайди: «Бу ўзи қандай давлат тузилиши? Ахир, бундай тартибот кишилар фаолиятида ҳам акс этиши аниқ-ку!. Демократик давлатда сен бошқарув қобилиятига эга бўлсан-да, бу жараёнда иштирок этишинга зарурат йўқ; бошқалар урунда қатнашаётган бўлса ҳам, агарда хоҳламасанг, унда иштирок этишинг шарт эмас. Ёки муайян қонун билан бошқарувдаги иштирокинг ва бошқалар устидан хукм чиқаришинг ман этилган бўлса-да, агарда сен шуни хоҳласанг, бошқаришинг ҳам, бошқалар устидан хукм чиқаришинг ҳам мумкин. Бир қарашда, бундай ҳаёт гоят жозигали ва ўзига ром этувчи эмасми?» (Платон. Соч. в 3-х томах. Государство, 557, в.с). Иккинчи ёндашув буюк француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо қараш-ларида ўз ифодасини топган. У «Политическая экономия» («Сиёсий иқтисод») асарида халиқ «иродаси» омилини куйидагича тасвирлайди: «Алоҳида олинган организмни, инсон жисми сингари, турли-туман аъзолардан иборат тирик мавжудот сиғатида тасаввур қилиш мумкин. Бош — олий ҳокимиёт, мия — қонунлар ва урфодатлар, асаб тизими, ирода ва ҳиссиятлар макони судъялар ва магистратлар тимсоли, оғиз ва ошқозон савдо, саноат ва қишлоқ ҳўжалигини ифодалаб, тана учун егулик етказиб беради, қон бутун организмни егулик билан таъминлайдиган, унга ҳаёт багишлайдиган ижтимоий молия тизими вазифасини баъжаради, фуқаролар эса ана шу мавжудотта жон бағищловчи, уни ҳаракатта келтирувчи аъзодир» (Ж.Ж.Руссо. О политической экономии. Трактаты. -М., Наука, 1969, с.113).

Б Констан, И Бентам, Ж С Миллдан қарийб уч минг йил илгари ўрта табақанинг жамият тараққиёти ва барқарорлитини таъминлашдаги ўринини ва аҳамияти масаласини ўргага ташлаб, ўша давр нуқтаги назаридан таҳлил этган эди. Бу эркинлик гоясининг илмий асосга кўйилиши ва ривожлантирилиши, назария даражасига кўтаришшидаги дастлабки қадам бўлган эди.

«Эркинлик гояси такомили» монографиясининг биринчи китоби ана шу жараённинг ўзига хос ҳусусиятлари, Антик, Уйгониц, Маърифатпарварлик даврларида вужудга келган эркинлик ҳақидаги илк тасаввурлар, ўша замонларда яшаб, ижод этган мутафаккирлар, фаолият юритган давлат арбоблари томонидан илгари сурилган қарашларнинг тадрижий такомили масаласи таҳлилига бағищланган. Унда, жумладан, эркинлик гояси такомилининг дастлабки босқичлари, Юнонистонда машхур давлат арбоби Солон ва Афина демократияси даврида эркинлик ҳақидаги илк тасаввур ва қарашлар, буюк юнон ва рим файла-суфлари Сукрот, Афлотун, Арасту, Цицерон, Сенека, Эпиктет, насроний алломалар, Уйгониц ва Маърифатпарварлик даври мутафаккирлари, мумтоз немис фалсафаси вакилларининг эркинлик концепциялари ҳусусида фикр юритилади. Китобнинг тўртиччи бобида эркинлик гоясининг назарий асоси — либерализм таълимотининг вужудга келиши ва тараққиёти, глобаллашув даврида унинг гарбона ва шарқона талқинлари таҳлилига алоҳида эътибор қаратилади.

хозяйка, макеты или памятные монументы, стелы, изображения на гробах и т.д. Само слово «мемориал» имеет греческое происхождение, оно означает память о заслугах и доблести какого-либо человека, его военных подвигах, вкладе в науку, искусство, культуру и т.д.

БИРИНЧИ БОБ

ЭРКИНЛИК ГОЯСИ ТАКОМИЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

Юнонистон сиёсий тарихи ва фалсафасига оид адабиётларнинг аксариятида антик давр демократияси, бу борада яратилган ва жорий этилган дастлабки қонунчилик асослари ҳамда эркинлик ҳақидаги илк тасаввурлар милоддан олдин VI асрда полис-шаҳар — Афинада вужудга келган бошқарув тизими ҳамда тахминан 492–439 йилларда яшаб, фаолият юритган машҳур сиёсий арбоб, файласуф ва шоир Солон ислоҳотлари билан узвий боғланади.

Дарҳақиқат, ўша даврда Юнонистон полис-шаҳарларида ижтимоий-мулкий зиддиятлар кескинлашган, зодагонлар зугумидан азият чекаётган ва қарзга ботган дехқонлар норозилиги тобора кучайиб бораётган, мамлакатдаги вазият батамом издан чиқиб, у фуқаролик уруши арафасида турган эди. Антик даврнинг машҳур тарихчиси Плутарх З-жилддан иборат “Киёсий таржимаи хол” асарининг Солон фаолиятига багишланган бобида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Оддий халқ ер мулқдорларига қарздор бўлиб қолган, бирорлари ўз ватанида, бошқалари ўзга юртларга қулликка сотиб юбориларди. Кўплаб афиналиклар ҳатто болаларини ҳам қулликка сотиб юборишга мажбур бўлган эди”³. Ана шундай кескин вазиятда қадимиий ҳукмдорлар оиласига мансуб бўлган ҳамда юонон анъаналарига

³ Плутарх. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. Солон. -М.: Наука, 1961-64. (ХХIII).

кўра, етти донишманднинг бири сифатида эътироф этилган Солон архонт (хукмдор) этиб сайланади ва унинг зиммасига мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур қонунлар ишлаб чиқиши вазифаси юкланди. Плутархнинг гувоҳлик беришича, “Оқилона фикрлайдиган Афина фуқароларининг назарида, биринчидан, зодагонлар жиноятларига шерик бўлмаган, иккинчидан, муҳтоҷлик нималигини кўрмаган Солонгина жамият хаётини изга солиши ва фуқаролик уруши хавфини бартараф этиши мумкин эди. Зодагонлар Солоннинг бадавлат бўлгани, қашшоқлар эса ҳалол ва адолатпарвар инсон бўлгани учун архонт этиб сайланганидан хушнуд эди”⁴.

У қонунчилик борасидаги фаолиятини барча қарз-ларни бекор қилиш, қарзи учун қулликка сотиб юборилган қишиларни давлат ҳисобидан озод этиш ва умуман бундай амалиётта чек қўйишини назарда тутган илк қонунни ишлаб чиқишидан бошлайди ҳамда уни афиналиклар муҳокамасига қўяди. Ўша замонларда бундай ҳужжатлар ёғоч тахталарга ёзилиб, шаҳарнинг энг гавжум кўчаларида осиб қўйилган ва истаган одам у билан танишиш имкониятига эга бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, Солон фуқароларни қонунни ҳурмат қилишга ундаш, унга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш мақсадида қонунни эълон қилиш арафасида ўзи ҳам бирорвга каттагина қарз берган ва табиийки, қонун қабул қилиниши билан у пулидан маҳрум бўлиб қолган экан. Шундан сўнг унга давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тартибга солиши имконини берадиган қонунлар мажмууни ишлаб чиқиши топшириллади. Солон бу борадаги фаолиятида икки тамойилга амал қилган. У, биринчидан, ижроия ҳокимияти раҳбарлик тажрибаси, етарли билимга эга ташаббускор кишиларгагина топширилиши, иккинчидан — ҳалқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши керак, деб ҳисоблаган. Шу асосда у таклиф этган бошка

⁴ Плутарх. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. Солон. -М.: Наука, 1961-64. (XIV).

бир қонунда барча әркин фуқаролар даромадига қараб түрт тоифага бўлинади, архонтлар, газначилар, солик йигувчилар ва бошқа мансабдор шахслар лавозимларга қуръя ташлаш йўли билан икки юқори тоифага мансуб кишилар орасидан танлаб сайланиши белгилаб қўйилади. Аммо, суистеъмолликларга йўл қўймаслик мақсадида уларнинг ҳар бирини тегишили лавозимларга фақат бир йилга ва бир марта сайланиши, ваколат муддати тугаши билан халқ олдида ҳисоб бериши қонунда қайд этилади. Йиллик ваколат муддати тутаган ҳамда бу даврдаги фаолияти халқ томонидан маъқулланган архонтлар ареопаг (қонунлар ижроси ва анъаналарнинг сақланишини назорат қиладиган ва маслаҳат ваколатига эга давлат кенташни) таркибига умрбод киритилган. Шу билан бир қаторда, Солон халқ суверенитетини таъминлаш мақсадида ижроия ҳокимиятини йигирма ёшга тўлган ҳамда тўлик ҳукуқларга (никоҳсиз туғилганлар ва чет элликлардан ташқари) эга бўлган фуқароларнинг умумий кенташига берилишини ёқлаб чиқсан. Бу кенташнинг ваколатлари гоят кенг бўлиб, у уруш ва тинчлик, давлат даромадлари, ташки савдо, мансабдор шахслар ҳисботлари каби муҳим масалаларни муҳокама эттан ва тегишили қарорлар қабул қилган. Солон қонунчилигига кўра, 6-8 минг иштирокчидан иборат кенташ барча қарорларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Солон таклиф эттан яна бир қонунда ҳар бир фуқаро, аёллар ва чет элликлар ваколати ҳар қандай маъмуриятдан юқори бўлган Халқ судига шикоят билан мурожаат этиши назарда тутилган. Мазкур суд таркибига юқорида зикр этилган фуқароларнинг ҳар тўрт тоифасидан вакиллар киритилган. Унинг йигилишиларида беш юз, баъзан мингга яқин судья иштирок этган. Суд қораловчи ва айбланувчининг сўзини тинглаб, яширин овоз бериш йўли билан судланувчининг айбсиз ёки айбдор эканини ҳал этган ва тегишили жазо чорасини белгилаган.

Солон ижроия ва суд ҳокимиятига оид қонунларни ишлаб

чиқиши билан чекланиб қолмайды; у жамият маънавий ҳаётига доир бир талай қонунларни ишлаб чиққан ва амалиётта жорий этган. Плутарх юқорида зикр этилган асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Солоннинг асосий қонунлари орасида ўзаро низолар пайтида бирор бир партия тарафида бўлмаган кишиларни фуқаролик ҳукуқларидан маҳрум этиш тўғрисидаги қонуни одамга ғалати туюлади. Бирок, назаримда, у фуқароларнинг жамият ишларига бефарқ бўлмаслигига эришиш учун ушбу қонунни ишлаб чиққан бўлса ажаб эмас...”⁵. Солон жамиятнинг маънавий муҳити ҳақида қайгуриб, судларда, ҳукумат идоралари ва жамоат жойларида ҳақорат қилиш, бирорларнинг иззатнафсига тегишини ман қиласидан маҳсус қонунни жорий этади. Ушбу қонунни бузган одамга иктиносидий жазо чораси — битта хўқиз нархига тенг (5 драхма — юонон пул бирлиги) миқдорда жарима солинган. Кизиқ жихати шундаки, жариманинг бешдан икки қисми давлатга, қолгани эса ноҳақ таҳқирланган одамга тўланиши белгиланган.

Солоннинг оила-никоҳ масалаларига оид қонунига биноан, қалин пули тўлаш тақиқланиб, келинга атиги учта кўйлак ва бир нечта қиммат бўлмаган нарсаларни олиб кетишга рухсат берилган. Плутархнинг таъкидлашича, Солон “никоҳ даромад ёки олди-сотди корхонасига айланмаслиги, унинг мақсади фарзанд-ларни дунёга келтириш ва баҳтли ҳаёт кечиришдан иборат бўлмоғи керак”⁶ деган фикрни илгари сурган.

Хуллас, Солон яратган қонунлари ва амалга оширган ислоҳотлари, қатъияти ва ҳақсўзлиги билан нафақат афиналиклар, балки бошқа давлатлар халқлари ўртасида ҳам катта обрў-эътибор қозонган. Шу боис ўзга мамлакатлар ҳукмдорлари у билан сухбатдош бўлишга интилган, буни ўзига шараф деб билган.

⁵ Плутарх. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. Солон. -М.: Наука, 1961-64. (XXIII).

⁶ Плутарх. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. Солон. -М.: Наука, 1961-64. (XXIII).

Геродот “Тарих” асарининг биринчи китобида Солоннинг жасурлиги ва тўғрисўзлиги ҳақида тўхталиб, қуйидаги афсонавий ҳикояни келтиради: “Кунларнинг бирида Лидия подшохи Крез уни таклиф этади ва беҳисоб бойликларини кўз-кўз қилиб, Солонни ҳайратта солмоқчи бўлади. “Хўш, қани айтчи, Солон, — дейди у, — шунча бойликка эга бўлган мендек зотдан баҳтлироқ одам бормикан бу оламда?”: “Албатта, бор”, — дея жавоб қайтаради Солон ва Ватани озодлиги учун жон берган бир неча афиналиқ фуқароларнинг номини келтиради. “Наҳотки, бизни, — дейди газабланган ҳукмдор, — ана шу баҳтли одамлар қаторидан ўрин олишга муносиб кўрмасанг!” Солон подшохга қарата шундай деган экан: “Давлатпаноҳ! Яраттан биз эллинларга ҳамма нарсада меъёрга қатъий риоя этиши қобилиятини инъом этган Бинобарин, бизга берилган ақл-фаросат шоҳона тафак-курдан ийроқ, оддий ва халқона. Бироқ айнан ана шу ақл-фаросат хаётда ва инсон тақдиррида ҳар сония ва ҳар дақиқада қандай воқеа юз бериши мумкинлигини англаш имкониятини беради, зум ўтмасдан йўқ бўладиган бир сониялик баҳтга маҳдие бўлиб қолишдан асрайди. Зоро, ҳар бир инсон тасодифларга тўла келажакка рўбарў келганини ўзи ҳам сезмай қолади. Шу боис, биз эллинлар, Яраттан умрининг охиригача баҳт инъом этган одамларнитина баҳтли, деб ҳисоблаймиз”⁷.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Крез форс подшохи Кир билан жантда мағлуб бўлади ва ўлимга ҳукм қилинади. Қатл жойига олиб келганларида Крез буюк давлат арбоби ва ислоҳотчининг сўзларини эслаб, “О, Солон!” дея хитоб қилган экан Ажабланган Кир бунинг сабабини сўраганда, Крез бўлган воқеани айтиб беради. Шунда форс ҳукмдори Солоннинг сўзларига тан беради ва душманини озод этади. Шундай қилиб, Солоннинг сўзлари бир ҳукмдорни ўлимдан асраб қолади, иккинчисини эса, баҳт бойлик билан белгиланмаслигини, бу дунёнинг ўткинчилигини

⁷ Геродот. История в девятии книгах. -Л.: Наука, 1972. I т. С.30-31.

англаб ётишга ундаиди Геродот, Плутарх ва ўша давр бошқа тарихчиларининг гувоҳлик беришича, бу афсонавий воқеа туфайли Солоннинг довруги бутун дунёга ёйилган экан.

Солон қонунлари бошқа хукмдорлар даврида жорий этилган қонунлардан одиллиги ва нисбатан юмшоқлиги билан ажralиб турган. Масалан, жоҳил Драконт (кейинчалик унинг номи ўта шафқатсиз, гайриинсоний қонунлар тимсоли сифатида “драконовы законы”, деб аталган. — Б.У.) даврида оддий ўғирлик күлган одам ўлим жазосига маҳкум этилиши мумкин бўлса, Солон қонунчилигига бу каби жиноятларга белгиланган жазо чораси анча енгил бўлган. Афина фуқаролари ва ареопаг (собиқ архонтлар кенгаши) Солон яратган қонунларга қатъий амал килишга онт ичганига қарамай, аҳоли турли қатламлари, айниқса, аслзода ва йирик мулқдорлар орасида унинг қонунчилик фаолиятидан норози бўлганлар ҳам бор эди.

Аммо Солон “улуг ишларда барчага бирдек ёқиб бўлмаслик” тамоилига таяниб, бутун фаолияти давомида давлатни қатъият билан бошқарган, қонунчилик борасида ҳеч кимга ён бермаган, уни сайлаган кишиларга ёкишга интилмаган. Плутарх, унинг бу карорини шархлаб, шундай деб ёзади: “Солон қонунлари қабул килингач, унинг ҳузурига ташриф буюрган афиналиклар оқими кун сайгин кўпайиб бораради. Бири — қонунчилик фаолиятини кўкларга кўтариб мақтаса, иккинчиси — қоралар, учинчиси эса — қонундаги қандайдир бандни олиб ташлаш ёки аксинча, унга нимадир киритишни талаб қилас, яна кимлардир муайян қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни, изоҳлашни сўраб ҳол-жонига қўйишмасди. Охир-оқибат, қарийиб чорак аср давомида давлатни якка ўзи бошқарган Солон бундай босимдан безиб, тахтни маслакдоши ва шогирди Писистратга топширадида, узок муддатга Афинадан кетишга қарор қиласди»⁸.

Хуллас, Солоннинг ислоҳотчилик фаолияти қулдорлик

⁸ Плутарх. Сравнительные жизнеописания в 3-х т. Солон. 1961-64(XXV).

тузуми асосларига зарба бериб, жамият ҳаётида қонунчилик негизларининг шаклланиши, эркинлик ва хурфикрлилик тояларининг ривожи, табақавий тафовутларнинг юмшатилиши, халқ ижтимоий-модий ахволининг ўнгланиши, унинг Юнонистон сиёсий тарихида илк бор давлат бошқарувида (Халқ кенгаши орқали) бевосита иштирокини таъминлаб, Афина демократиясининг энг гуллаб-яшнаган даври — машҳур давлат арбоби, файласуф ва нотик Периклнинг самарали фаолиятига замин ҳозирлаган эди.

1.2. Афина демократиясининг

“олтин давр”и

Маълумки, замонавий сиёсий фанда демократия деганда, ҳоқимиятнинг ягона манбай ҳисобланган, кенг ҳуқук ва эркинликларга эга бўлган халқнинг давлат ишларида бевосита иштирокини назарда тутадиган бошқарув шакли тушунилади. Хўш, Афина демократиясининг мазмун-моҳияти ва шакл шамойили қандай бўлган? Ўша давр мутафаккирлари унга қандай баҳо берган? Масалан, Арасту “барча қонунларга риоя этиладиган, кибр-ҳавога берилган, факат ўз манфаатини кўзлаб иш тутадиган ва авом эҳтиросларига эргашадиган демаголлар (саф-сатабозлар) томонидан бошқарилмайдиган” давлатни ёқлаб чиқади ва Афина демократияси ҳақида тўхталиб, “Перикл ҳукмронлиги даврида давлат ишлари нисбатан яхши идора этилгани, унинг вафотидан кейин жамият ҳаётида таназзул бошлангани”⁹ ни таъкидлайди. Ксенофонт эса, Афина демократиясига салбий муносабатда эканини яшириб ўтиrmайди ва “...афи наликлар оддий халқни давлат ишларига жалб этиш орқалигина демократияни маълум вакт сақлаб қолишга эришиди”¹⁰, деб ёзади.

⁹ Хрестоматия по истории Древней Греции. Раздел VII. Развитие демократии (Аристотель. Афинская полития, 28). -М.: 1964, с.214.

¹⁰ Ўша манба, 223-6.

Дарҳақиқат, Афина айнан Перикл идора этган даврда Эллада шаҳар-полислари орасида етакчи полис-давлат даражасига кўтарилади. Худди шу даврда Афинанинг бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқалари мустаҳкамланади, давлат газиаси тўлиб-тошади, қадимий юонон меъморчилигининг энг маҳобатли обидалари бунёд этилади, фалсафа, санъат ва адабиёт ривож топади. Демократиянинг ёрқин вакили бўлган Перикл жамиятдаги барча тоифа вакилларини давлатни бошқаришга жалб этишга ҳаракат киласи. Буниг учун у юонон давлатчилик тарихида илк бор давлат хизматини бажариш учун иш ҳақи белтиради. Унинг замондоши, тарихчи Фукидид (милоддан ол 460-396 й) “Тарих” асаридаги давлатни идора этиш борасида юритган сиёсати ҳақидаги Периклнинг қўйилдаги сўзларини келтиради: “Давлатни барпо этишда биз ўзга мамлакатлар андозаларига таянмаганимиз. Аксинча, ўзгалар биздан намуна олмоқдалар. Давлатимизни бир ховуч кишилар эмас, бутун ҳалқ идора этаётгани боис, уни ҳалқ ҳокимиятига асосланган давлат тузуми — демократия, деб атайдилар. Жамиятимизда қонун бўйича барча тенг ҳуқуқлийдир. Қонуналаримиз ҳар бир килининг шахсий манфаат-эҳтиёж-ларини қондиришга имкон беради. Шахс давлат лавозимига қандайдир табақага мансублиги ёки бой-бадавлат бўлгани учун эмас, балки шахсий қобилияти ва хизматлари учун тайинланади. Давлатта муносиб хизмат килишга қодир одамнинг ююри лавозимларга тайинланшишга унинг қашшоқлиги ёки кутий табақага мансублиги тўсқинлик қилиши мумкин эмас. Шахсий ҳаётида ҳар қандай тазиликдан холи бўлган барча фуқаролар ижтимоий ҳаётда, қонундан кўркқани боис унга қатъий риоя қиласи ва айни пайтда ҳокимиятни идора қилаётгандарга итоат этади”¹¹.

Дарҳақиқат, Афина фуқароси жамият ва давлат (ўша пайтларда улар бир-биридан ажратилмаган эди) ишларида иштирок этишни бурчи деб билган, ўзини яхлит полиснинг

¹¹ Хрестоматия по истории Древней Греции. Раздел VII. Расцвет рабовладельческой демократии (Фукидид). История, II, 37. -М.: 1964, с.210.

-чирилл" мәденияткүниндең салтасыда И. таңынч анықтады, көбіл шектересінде "Илгам" дегендегі оған "Мәденияттің тарихын" дегендегі тиң мәденияттер болып саналған. Анықтамалық негіздеңістік мәселе шартынан оған мәдениеттің тарихында И. таңынч анықтады, көбіл шектересінде "Илгам" дегендегі тиң мәденияттер болып саналған. Анықтамалық негіздеңістік мәселе шартынан оған МУКАДДИМА 3
БИРИНЧИ БОБ 1. ЭРКИНЛИК ФОЯСИ ТАКОМИЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ..... 1.1. Солон ислоҳотлари..... 1.2. Афина демократиясининг "олтин давр"и..... 8 14
ИККИНЧИ БОБ 2. ЭРКИНЛИК ФОЯСИ ТАКОМИЛИНИНГ СИЁСИЙ-НЕГІЗЛАРИ ФАЛСАФИЙ НЕГІЗЛАРИ..... 2.1. Инсониятни маънавий такомиллик сари етаклаган "аллома"..... 2.2. Фарб тафаккурини уйготган даҳо..... 2.3. Арастуунинг эркинлик хакидаги қарашлари..... 2.4. Эркинлик фояси Рим неостоизими талқинида (Цицерон, Сенека, Эпиктет)..... 47
УЧИНЧИ БОБ УЙГОНИШ ВА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ДАВРИДА ЭРКИНЛИК ФОЯСИ ТАКОМИЛИ 3.1. Уйгониш феномени ва унинг мазмун-моҳияти..... 3.2. Эркин тафаккур ва хурфикарлык тимсоллари (Данте, Петрарка, Мирандола)..... 3.3. Эркинлик фоясига зид мағкура..... 55 59 65

3.4. Роттердамлик Эразмнинг эркинлик ва эркин ирода ҳақидаги таълимоти.....	84
3.5. Инглиз маърифатпарварлари (Гоббс, Локк, Толанд, Коллинз, Гартли, Пристли) таълимотида эркинлик концепцияси.....	87
3.6. Француз маърифатпарварларининг (Вольтер, Монтескье, Руссо) эркинлик ҳақидаги қарашлари.....	96
3.7. Немис мумтоз фалсафасида (Кант, Шеллинг, Гегель) эркинлик ва зарурат диалектикаси.....	110

ТУРТИНЧИ БОБ
**ЛИБЕРАЛИЗМ ТАЪЛИМОТИНИНГ ВУЖУДГА
КЕЛИШИ ВА ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ**

4.1. Эркинлик гоясининг назарий асоси.....	122
4.2. Либерализмнинг гарбона тамойиллари.....	128
4.3. Либерализм таълимотининг мухолифлари.....	144
5. Либерализмнинг шарқона моделлари.....	150
5.1. Хитойда либерал гояларнинг шаклланиши ва ривожи.....	151
5.2. Либераллаштиришнинг япон модели.....	157
6. Жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг ўзбек модели.....	168
6.1. Эркин жамият бунёдкори.....	175
6.2. Сўз ва матбуот эркинлиги: муаммо ва ечимлар.....	188
Хуоса.....	195
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	201
Иловалар.....	207

СИЛЛАХИДА
СИЛЛАХИДА
СИЛЛАХИДА
СИЛЛАХИДА
СИЛЛАХИДА

СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА

СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА

СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА СИЛЛАХИДА